

СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Сотволдиева Орзигул Маъруфжон қизи

Фарғона давлат университети
педагогика ва психология факултети 3-курс талабаси

Махаммаджонов Жаҳонгир Зокиржон ўғли

Фарғона давлат университети
педагогика ва психология факултети 2-курс талабаси

Собирова Азизахон Марибжон қизи

Фарғона давлат университети
педагогика ва психология факултети 2-курс талабаси

***Аннотация:** Ҳозирги пайтда фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқлари асосида келажакимиз бўлган ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир. Ушбу мақолда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мақсади ва вазифалари хусусида мулоҳазалар баён этилади.*

***Калит сўзлар:** эрталиклар, мактаб кечалари, болалар байрамлари, кўриклар, қувноқлар ва топқирлар тўғараги, сайр, синф ва мактаб музейлари, болалар ишларининг кўргазмалари ва ҳоказолар.*

Жамоат ташкилотлари ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган хилма-хил машғулотларни ўқитувчилар ёрдамида ташкил қиладилар. Синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига кўра жуда хилма-хил: ижтимоий-сиёсий, илмий, ижтимоий фойдали, бадантарбия-соғломлаштириш ишлари бўлади. Синфдан ташқари ишлар уч хил шаклда: оммавий, тўғарак ва индивидуал шаклларда ташкил қилинади.

Синфдан ташқари индивидуал шакллар: ҳар бир ўқувчи майл ва қобилиятларининг ривожланишига ёрдам беради. Бу ишда синфдан ташқари ўқиш катта аҳамиятга эга. Мактабда ҳар бир синф учун синфдан ташқари ўқиш дастури бор. Ўқувчининг нима ўқиётгани ва ўқиган нарсаларини қандай идрок қилаётганини ўқитувчи билиши жуда муҳим. Шунинг учун ўқитувчининг синфдан ташқари ўқишга раҳбарлиги энг яхши китобларни тарғиб қилиш ва

ўқувчиларда ўқилган дарсликларни тўғри, чуқур идрок этишни ривожлантиришдан иборат.

Индивидуал топшириқларнинг турлари жуда кўп бўлиб, ўсимликлар ўстириш, гуллар, сабзавотлар йетиштириш ҳам ана шундай топшириқлар жумласига киради. Индивидуал топшириқларда ҳар бир ўқувчининг имконият ва қизиқишлари ҳисобга олинса, улар болаларнинг қобилиятлари, истеъдодларини ўстиришга ёрдам беради.

Ўқитувчи таълим жараёнида болаларнинг маданий эҳтиёжлари ва камолот даражаларини аниқлаш билан шуғулланади. Уларга мувофиқ тарзда айрим ўқитувчилар гуруҳ ёки бутун синф билан олиб бориладиган синфдан ташқари ишларни режалаштиришади.

Мактабдан ташқари ишлар. Мактабдан ташқари ишлар болаларнинг ёши ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, ихтиёрий равишда, фаол ва мустақил қатнашишлари шароитида ташкил қилинади. Мактабдан ташқари ишларда болалар кутубхонасининг иши диққатга сазовор. Болалар кутубхоналари мактабларнинг 1-4-синфлари ўқувчиларига, шунингдек, мактабгача тарбия ёшидаги китоб ўқий оладиган болаларга хизмат кўрсатади. Кутубхонанинг бутун иши болаларга яхши тарбия беришга, фан асосларини ўрганишда ўқувчиларга ёрдамлашишга, болаларда ўқиш маданиятини тарбиялашга, мустақил равишда билим олиш малакаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Мактабдан ташқари ишларда ўқитувчи муайян аҳоли яшайдиган жойда қандай муассасалар борлигини билиб, улар билан ҳамкорликда қилинадиган ишларни йўлга қўяди, ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тўғаракларга жалб қилади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси мактабда тарбиявий ишнинг умумий режасини тузади ҳамда ўқувчиларга ҳар томонлама тарбия беришда мактаб ўқитувчилари, мактабдан ташқари муассасалар ҳамда мактабни оталиққа олган ташкилотларнинг ишларини бир-бирига мувофиқлаштиради. Ўқувчиларни ҳар томонлама йетук, баркамол қилиб тарбиялаш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш, уларда фаол ҳаётий мавқени шакллантириш, ўзлаштириш ва билим сифатини ошириш кўп жиҳатдан куни узайтирилган гуруҳларнинг самарали ишлашига боғлиқдир. Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқараши тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларнинг амалиёт, ишлаб чиқариш билан боғланишига замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Уларга қуйидагилар киради:

1. Дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш.
2. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларини ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш.
3. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевоситараҳбарлик қилган ҳолда, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш.
4. Умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳимтарбиявий тадбирларда қатнашиш.
5. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш. Бу борада ташкилотчилар фаоллигининг учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, услубий ва маъмурий.

Булар, кўпинча, ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг ташкилотчилик фаолиятига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Тарбиявий ишлар соҳасида еришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш.
2. Тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
3. Тарбиявий, оммавий, сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усулларини аниқлаш.
4. Синфдан, мактабдан ташқари ишларни режалаштириш, гуруҳлаштириш ва уларнинг мазмунини, шакл ва усулларини аниқлаш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Тарбиявий ишларни режалаштиришда қуйидаги педагогик талаблар мавжуд:

Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўғрақ қатнашчилари онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар мужассамлашган бўлиши керак. Тўғрақ қатнашчиларини доимий равишда фан ва маданиятнинг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиб туриш, улар онгини ижодий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қилиш муҳим ўрин тутди. Тўғрақ қатнашчиларида мустақиллик тушунчаси шакланган бўлиши, улар давлатимиз рамзларини, мадҳиясини, урф-одатларимизни яхши билишлари керак.

Мактабдан ташқари таълим ўқувчиларга, хоҳишларига асосланган ҳолда дарсдан бўш вақтларда ўқув тарбия жараёнини тўлдиради ва қуйидаги йўналишлар бўйича тўғарак қатнашчиларига талаблар қўйилиши керак:

1. Ватанга муҳаббат, комил инсон тарбияси;
2. Эстетик таълим;
3. Сайёҳлик йўналиши бўйича тўғаракларга қатнашиш;
4. Экологик таълим йўналиши бўйича тўғараклар;
5. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий йўналиши бўйича;
6. Ҳуқуқий таълим йўналиши бўйича;
7. Техник ижодкорлик йўналиши бўйича;
8. Истиқлол болалари ва истеъдодли ёшлар;
9. Иқтисодий таълим.

Ўқувчиларнинг мустақиллиги турли даражада бўлганида мустақил тайёргарлик амалга оширилиши мумкинлигини ҳисобга олиш муҳим, албатта. Бу еса, улар шахсининг шаклланишига шубҳасиз таъсир кўрсатади. Айрим ўқувчиларнинг ишдаги фаол ва мустақил ҳолати тарбиячининг аралашувини талаб етмайди, чунки ўқувчиларнинг ўзлари олдиларида турган вазифаларини ва уларни ҳал етиш йўллариани анча яхши тушунадилар. Болалар тарбиячи ёрдамисиз ишлайдилар. Бу ерда тарбиячининг аралашуви мақбул эмас. Чунки бундай ҳолат болаларнинг меҳнацеварлигини, билиш еҳтиёжларини шакллантиришда енг катта имкониятга егадир. Ўқувчи мустақил ҳаракат қилиб, лекин ўз ишини тарбиялашнинг фикри ва баҳосига боғлиқ қилиб қўйган пайтда тобе мустақил ҳолат вужудга келади. Иш қизиқиш ва иштиёқ билан бажарилса ҳам мустақил ишни бажараётган ҳаракатларида ишончсизлик жиҳатлари мавжуд бўлади. Синф раҳбарининг раҳбарлиги ва назорати остида ҳаракат қиладиган ўқувчилар тоифасида мажбурий ижро етиш ҳолати пайдо бўлади. Бунда ўқувчилар ишга унчалик қизиқиш билдирмайдилар. Улар, кўпинча, синф раҳбарининг ёрдамини сўраб мурожаат қиладилар, кучли ўқувчиларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланишга интиладилар, агар бундай қўллаб-қувватлаш бўлмаса, ишни давом еттиришга иродаларини ишга солмайдилар.

Бундай ўқувчиларда ташқаридан мажбур қилиш вақтида ҳаракат қилиш одати мустаҳкамланади. Агар бундай ҳолат барқарор бўлиб қолса, у ўқувчининг фақат ақли емас, шу билан бирга маънавий ривожланишига ҳам тўсқинлик қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://old.lex.uz/docs/>;
2. <https://anticorruption.uz/uz/item/what-is-corruption>;
3. Vazirlar Mahkamasining “Tibbiyot xodimlari malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash tizimini takomillashtirish to‘g‘risida” 2009-yil 18-dekabrdagi 319-son qarori;
4. O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi O‘RQ-684-sonli “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni;
5. Egamberdiyev, O. A. O., Turdaliyev, A. Y. O., & Maxamadjonov, J. Z. O. (2021). Kasbiy kompetentlikni shakllantirishning pedagogik asoslari. *Science and Education*, 2(11), 985-991.
6. Zarnigor, R. A. Q., Egamberdiyev, O. A. O. G. L., & Sotvoldiyeva, O. M. R. Q. (2021). Pedagogik kompetentlikning: nazariy va amaliy tahlili. *Science and Education*, 2(9), 309-314.
7. Egamberdiyev, O. A. O., Sotvoldiyeva, O. M. Q., & Turdaliyev, A. Y. O. (2021). PEDAGOGIK MAHORATNING MUAMMOLI O‘ZLASHTIRISH YO‘LLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 535-542.
8. Yusufovich, A. A., & O‘G‘Li, E. O. A. (2022). BO‘LAJAK O‘QITUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOIK ASOSLARI. *Science and innovation*, 1(B3), 40-46.
9. Alisher o‘g‘li, E. O. (2022). O ‘ZBEKISTONDA MADANIYAT VA SAN’AT TARIXI MASALALARI. *Journal of new century innovations*, 14(3), 33-36.
10. Alisher o‘g‘li, E. O. (2022). O‘QUVCHILARNI TANQIDIY FIKRLASHGA O‘RGATISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. *Journal of new century innovations*, 4(1), 52-59.
11. Alisher o‘g‘li, Y. O. (2022). IJTIMOY MUHITNING SHAXS RIVOJLANISHIGA TA’SIRI. *PEDAGOGS jurnali*, 18(1), 220-225.
12. Yusufovich, A. A. (2020). ISSUES OF FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE, WHICH IS AN INTEGRAL PART OF PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL TRAINING OF FUTURE TEACHERS IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(7).

13. Tojimamatov, J., & Egamberdiyev, O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON.
14. Egamberdiyev, O., Kholdarova, Z., & Khusanova, M. (2022). THE ORDER OF THE APPEARANCE OF THE PEOPLE'S DIPLOMACY OF THE GREAT SILK ROAD COUNTRIES.
15. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). NEED TO FORM CREATIVE COMPETENCE IN EDUCATORS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 162-165.
16. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL ACTIVITY OF EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 166-169.
17. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). DIFFERENT APPROACHES TO THE DEVELOPMENT OF CHILDREN'S SPEECH. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 158-161.
18. Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.
19. Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.
20. Iqboljon O'g'li, T. J., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON. *PEDAGOGS jurnali*, 9(3), 4-7.
21. Alisher o'g'li, E. O. (2022). Issues of Retraining and Professional Development of Pedagogical Personnel. *The Peerian Journal*, 5, 192-194.
22. Yusufovich, A. A., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 1157-1161.